

## Етказиб бериш шартномаси № 10

« 21 » январ 2022 йил

Асака туман

«Санажар 1993 оилавий корхона» кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади номидан уз Низомига мувофиқ иш юритувчи корхона раҳбари С.Кахрамонов, бир томондан ва «Вилоят фтизиатрия ва пульманалогия маркази» (кейинги уринларда Ташкилот ёки муассаса деб юритилади) номидан уз низоми асосида иш олиб борувчи раҳбар Ф.Насритдинов, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидаги мазмунда туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 «Таъминотчи» мазкур шартномада келишилган озиқ- овқат махсулотларини келишилган муддатларда «Ташкилот» га етказиб бериш, «Ташкилот» эса махсулотларни қабул қилиб олишни ва пулини тулаш мажбуриятини олади.

1.2 «Таъминотчи» озиқ овқат махсулотларни қуйдаги микор ва нархларда етказиб беради:

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдор	Нархи	Суммаси
1	Колипли нон 0,5 кг (транспорт харажати билан)	Шт	6000	1500	9 000 000
	Жами				9 000 000

### 2. ТАЪМИНОТ ШАРТЛАРИ

2.1 «Таъминотчи» таъминотни факатгина «Ташкилот» буюртмасини олгандан сунг амалга оширади, Махсулотни буюртма олгандан сунг 3 кун ичида белгиланган хажмда амалга оширади.

2.2 «Таъминотчи» махсулотни «Ташкилот» нинг қуйидаги манзилига автомобил транспорти орқали етказиб беради. Етказиб бериш манзили : Асака туман, Янги Хаёт Янги Сор

2.3 Махсулотлар «Ташкилот» нинг омборига етказиб берилгандан ва белгиланган тартибда қабул қилиб олингандан сунг, махсулотга эгалик ҳуқуқи ва жавобгарлик мажбурияти «Ташкилот» га утади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 «Ташкилот» махсулот етказиб берилиши белгиланган вақтга қадар 3 кун муддат ичида «Таъминотчи» га махсулот учун буюртмани қуйдагиларни курсатган ҳолда тақдим этади:

- Етказиб берилиши керак булган махсулотлар микдори;
- Махсулот сифати;
- Махсулот ассортименти;

3.2 Етказиб берилиши керак булган махсулотнинг ассортименти микдори ҳамда таъминот муддатларини «Ташкилот» мустақил равишда, ушбу шартноманинг тузилиши учун асос булган танлов (тендер) савдоси ташкил этган комиссия баённомасида курсатилган ёки комиссия томонидан қуйилган шартлардан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

3.3 «Таъминотчи» томонидан махсулотлар етказиб берилмай қолганда, етказиб берилмаган микдордаги махсулотни 1 кун муддат ичида ёки «Ташкилот» билан келишилган ҳолда, шартнома амал қилиш муддатида, кейинги етказиб берилиши қўзда тутилган махсулотларга қўшиб етказиб бериш мажбуриятини олади.

3.4 «Таъминотчи» томонидан етказиб бериш муддатлари утказиб юборилган махсулотларни «Ташкилот» огоҳлантирилган ҳолда қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.

3.5 «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар сифати талабга жавоб бермаслик ҳолатларида «Ташкилот» қуйидаги талабларни қуйиш ҳуқуқига эга.

- Харид нархларини (етказиб берилган сифатсиз махсулотлар қиймати билан сифатли махсулотлар қиймати уртасидаги фарқ) га қамайтириш;
- Сифатсиз махсулотларни, «Таъминотчи» ҳисобидан сифатли махсулотларга 1 кун муддатда алмаштириб беради;